



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 21.01.2022 г. № 1

между Каракул Электр тармоклари и Коракул тумани тиббиёт коллежи на общую сумму 4999500,00

Глава
Казначейский лицевой счёт

054

100010860062307092902054001

(в суммах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4221000			
Январь	1 999 800,00			1 999 800,00
Февраль	1 999 800,00			1 999 800,00
Март	999 900,00			999 900,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	4 999 500,00			4 999 500,00

Всего 4999500,00 сум

Четыре миллиона девятьсот девяносто девять тысяч пятьсот сум
00 тийин
сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 4999500 сум или 30 % *** от общей суммы договора
подлежат предоплате в январь мес. 2021 г.

26477068

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный ~~100~~ % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до ~~30~~ числа текущего месяца.

(Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

\ Руководитель заказчика



М.П.

Хамроев Азамат Норкулович

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Чаманов Тохир Рустамович

Ф.И.О.

Принял работник казначейского
подразделения

(подпись)

« ____ » 20 ____ г.

Получил работник
заказчика

(подпись)

« ____ » 20 ____ г.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОЛЛАРИ УЧУН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ ШАРТНОМАСИ

№ 1 - сонли

2022йил “20” январ

Коракул шахри

Коракул туман Электр тармоқлар корхонаси(кейинги ўринларда “Корхона”деб юритилади) узининг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Хамроев бир тарафдан ва Коракул Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникуми (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб юритилади) узининг низом асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари А.Хамроев иккинчи тарафдан ушбу шартномани кўйидагилар ҳакида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ЙИРДЕМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома билан Корхона туташтирилган тармоқ оркали Истеъмолчига электр энергияси (кейинги ўринларда “Энергия” деб юритилади) бериб туриш мажбуриягини, Истеъмолчи эса қабул килинган Энергия ҳакини тўлаш мажбуриягини олади.

1.2 Уланган қуввати 750кВА ва ундан катта бўлган саноат ва уларга тенглаштирилган Истеъмолчилар олинган Энергиядан ташқари, яна талаб этилган ҳар бир кВт ёки ягона электр энергияси тизимининг юкламали соатларида қатнашувчи ҳакикий максимал қувват (кейинчалик “Қувват”) учун ҳақ тўлайди.

II. ЭНЕРГИЯ МИҚДОРИ

2.1 Энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми 11110 кВт.с. ни ташкил қиласи.*

2.2 Шартнома тузилган кунида етказиб бериладиган Энергиянинг умумий нархи 4999500 сўмни, Қувватнинг нархи 450 сўмни (амалда бўлган тариф асосида) ташкил қиласи.*
Шундан, бюджет маблағлари хисобидан Тўрт миллион тўkkиз юз тўқсон туккиз минг беш юз сўм ,

Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан ----- сўм.

2.3 Корхона Истеъмолчига Энергияни (Қувватни) ушбу шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган микдорда етказиб беради.*

2.4 Корхона томонидан Истеъмолчига етказиб берилган Энергия (Қувват) микдори Энергияни (Қувватни) хисобга олиш приборлари кўрсаткичлари бўйича аниқланади (2-илова).

Хисобга олиш приборлари, шунингдек Корхона билан Истеъмолчиларнинг хисоб-китоб килишига мўлжалланган Энергия ва Қувватни хисобга олишнинг бошка воситалари Корхонанинг Энергия истеъмолини автоматлаштирилган хисобга олиш ва назорат килиш тизими билан мос келиши, Истеъмолчининг хисобидан сотиб олиниши, давлат қиёсловидан ўтиши ва ўрнатилиши, бундан кейин эса Корхона вакили томонидан рўйхатга олиниши ва тамғаланиши керак.

2.5 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сонли қарорининг 1-иловасидаги Табиий монополиялар субъектлари томонидан мажбурий хизмат кўрсатилиши керак бўлган Истеъмолчилар учун Энергия таъминотининг йиллик минимал ҳажми 11110 кВт.с.ни ташкил қиласи.

* Изоҳ: Бюджет маблағлари бўйича йиллик харажатлар сметаси тегишли молия органларида рўйхатдан ўтказилгунга кадар, вақтинчалик харажатлар сметаларида белгиланган маблағлар доирасидаги сумма ва микдорлар кўрсатилади.

III. ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1 Етказиб берилган Энергия ва Кувват учун ҳисоб-китоб даври бир ой.

3.2 Корхона ва Истеъмолчи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш учун актив ва реактив энергия, шунингдек Кувватнинг ҳисобга олиниши электр тармокларининг баланс бўйича мансублик чегарасида амалга оширилади (3-илова)

Агар Энергияни (Кувватни) ҳисобга олиш прибори баланс бўйича мансублик чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоғининг чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойигача бўлган участкадаги Энергиянинг технологик сарфининг ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли билан далолатнома тузилган ҳолда (4-илова) аникланади ва ҳақ тўлашда ушбу электр тармоғининг баланс бўйича мансублигига қараб, Корхона ва Истеъмолчи ҳисобига ўтказилади.

3.3 Корхона Истеъмолчи билан биргаликда ҳар ойда энергия ва кувватнинг ҳакиқий сарфини аниклаш учун ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олади.

3.4 Истеъмолчи келгуси ҳисоб-китоб даврига у бошланишидан олдин Энергия ва Кувватнинг шартномавий ҳажми нархини 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириши шарт.

Истеъмолчи ҳисоб-китоб даврида ҳакиқий истеъмол қилган Энергия ва Кувват учун шартнома шартларидан келиб чиқкан ҳолда ҳисоб-китоб қиласида ва тўлиқ тўловларни навбатдаги ой бошлангунга қадар амалга оширади.

Истеъмол қилинган Энергия ва Кувват учун Истеъмолчининг қарздорлиги, шартномада белгиланган миқдордан кўп истеъмол қилинганлиги учун жарима ва пеня мавжуд бўлса, олдиндан тўлов сифатида ўтказилган маблағлари қарздорликни тугатишга йўналтирилади ва олдиндан тўлов сифатида ҳисобга олинмайди.

3.5 Корхона ҳар ойнинг 25 санасигача Истеъмолчи билан биргаликда ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ёзиб олиш билан бир вақтда, ҳисоблагичларнинг тартиби ракамларини ҳамда истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотларни кўрсатган ҳолда ҳисботни расмийлаштиради (5-илова).

Ҳисбот асосида Корхона тегишли ҳисоб-китобни амалга оширади (6-илова) ва Истеъмолчи ҳисоб-фактурани олади.

Истеъмолчида турли тариф гурухларига тегишли бўлган бир нечта обьект мавжуд бўлган тақдирда ҳисоб-китоблар ҳар бир обьект бўйича кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ҳисоб-китоб асосида амалга оширилган тўловларни ҳисобга олганда Истеъмолчининг қарздорлиги аниқланса, Корхона хизмат кўрсатувчи банк орқали тўловни амалга ошириши учун акцепт билан тўлов талабномаси беради.

3.6 Истеъмолчи томонидан Энергия (Кувват) истеъмоли ҳакида ҳисбот тақдим этилмаса ёки ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичлари ёзиб олинмаса, Корхона томонидан ҳисоб-китоблар истеъмолнинг шартномавий миқдори бўйича, кейинчалик Истеъмолчи билан бирга аникланган ҳакиқий истеъмол қилинган Энергия учун қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда, амалга оширилади. Бунда, Корхона хизмат кўрсатувчи банкка белгиланган тартибда тўлов талабномаси ва ҳисоб-фактурани тақдим этади.

3.7 Актив ва реактив Энергия (Кувват) учун ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва энергия билан таъминловчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги Низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Электр энергия тарифларига мувофиқ амалга оширилади.

Истеъмолчиларни тегишли тариф гурухига мансублиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 10 августда 955-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Электр ва иссиқлик энергияси истеъмолчиларининг тариф гурухлари тўғрисида низомга мувофиқ белгиланади.

3.8 Тарифлар ўзгарганида Истеъмолчи етказиб берилаётган Энергия ва Кувват учун янги тариф киритилган кундан бошлаб янги тариф бўйича ҳак тўлаши керак.

Таърифлар ўзгаргандаги “Корхона” бюджетдан маблағ олувчини хабардор килиши ва томонлар янги таърифлар бўйича қўшимча келишув тузишлари лозим. Қўшимча келишув тегишли Газначилик бўлинмасида ўрнатилганда тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг, янги таърифлар бўйича ҳак тўланади.

Бунда, Истеъмолчи тариф ошган вазиятда тўлов кунидан бошлаб кейинги 12 ойдан ошмаган муддатга олдиндан тўланган Энергия микдорига қўшимча ҳак тўлашдан озод этилади.

3.9 Энергия (Кувват) учун Корхона ва Истеъмолчи ўртасидаги хисоб-китоблар Истеъмолчи томонидан Корхонанинг хисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.10 Агар Истеъмолчи Энергиянинг бир қисмини субистеъмолчига бир ставкали тариф бўйича етказиб берса, у Корхонага ушбу субистеъмолчиларнинг энергетика тизимининг энг катта юкламасида қатнашувчи юкламаси кийматига қамайтирилган Кувват микдори учун ҳак тўлайди.

3.11 Реактив Энергия (Кувват)ни ўрнини тўлдириш учун чегирмалар (устамалар) битта ҳисобга олиш нуқтаси бўйича ўртача ойлик Энергияси истеъмоли 15 минг кВт.соатдан ортиқ бўлган саноат истеъмолчилари ва уларга тенглаштирилган истеъмолчилар, электрлаштирилган (электр энергияси билан юрадиган) темир йўл, шахар транспорти, қишлоқ хўжалиги истеъмолчиларига нисбатан амалга оширилади.

3.12 Корхона ва Истеъмолчи ҳар ойда навбатдаги хисоб-китоб даври бошланиши ҳолатига ўзаро солиштирув далолатномасини тузади.

3.13 Энергия (Кувват) истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат килишнинг Автоматлаштирилган тизимида уланган Истеъмолчиларга Энергия (Кувват) етказиб бериш олдиндан тўланган ҳак доирасида амалга оширилади.

3.14 Истеъмолчининг айби билан Энергия ушбу шартномада талаб этилган ҳажмдан кам истеъмол қилинса, олдиндан тўланган маблағлар қайтарилмайди ва кейинги хисоб-китобларда ҳисобга олинади.

3.15 Ҳисобга олиш прибори Истеъмолчининг айби билан бузилган (пломбаси бузилган, ойнаси синган ва шу кабилар) ҳисобга олиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш приборидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки Энергия бошқача усулда ўғирланган ҳолларда, биргаликда икки томонлама далолатнома расмийлаштирилади ва шу асосда Корхона Истеъмолчини электр тармоғидан узib қўйиш хукуқига эга. Далолатнома асосида ҳисобга олиш приборлари охирги марта ўзгартирилган ёки уларни улаш схемаси текширилган кундан бошлаб бутун ўтган, аммо даъво муддатидан кўп бўлмаган, давр учун электр қабул қилгичларнинг уланган куввати ва Истеъмолчининг

4-иловада кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича Энергия сарфи қайта ҳисоблаб чиқилиши шарт.

Корхона З иш куни мобайнида Истеъмолчига тўлаш учун қўшимча тўлов хужжати ёзib беради, шунингдек хизмат кўрсатувчи банкка тўлов хужжатларини тақдим қиласди.

Истеъмолчи қўшимча тўлов хужжати бўйича тўловини 10 кун муддатда амалга оширмаса, Корхона кўрсатилган суммани мажбурий тартибда қонун асосида ундириш чораларини кўради.

Ҳисобга олиш прибори кўрсаткичини ёзib олиш улаш схемасини текшириш деб ҳисобланмайди.

IV. ЭНЕРГИЯНИ ЧЕКЛАШ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИЛИШНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

4.1 Истеъмолчи томонидан Корхона билан биргалиқда, Энергияни чеклаш ва узib қўйиш жадваллари ягона электр энергетикаси тизимида Энергия ва Кувват танқислиги ҳолларида ягона электр энергетикаси тизимининг баркарор параллел ишлашини таъминлаш, авариялар юзага келишининг олдини олиш хамда истеъмолчиларнинг тартибсиз узib қўйилишини бартараф этиш учун чеклаш ва узib қўйиш жадваллари ишлаб чиқиласди.

Узуб қўйиш жадваллари Истеъмочи томонидан Корхона вакилларидан узуб қўйи жадваллари жорий этилиши тўғрисидаги билдиришнома олингандан кейин дархол амал киритилади.

Ушбу билдиришнома Истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, Корхона Истеъмолчини огохлантиргандан кейин Энергия ва Кувват истеъмолининг белгиланган даражада камайишини таъминловчи микдорда Энергия бўйича мажбурий равища чеклайди.

4.2 Электр тармоғи хўжалиги объектларидаги аварияларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ёки одамларнинг хавфсизлигини таъминлаш ишлари билан боғлик кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирларни кўриш зарур бўлганда, Истеъмолчи билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ уни дархол хабардор килган ҳолда, Энергия узатишда узуб қўйиш ёки чеклашларга рухсат этилади.

4.3 Куйидаги ҳолларда Корхона Истеъмолчига Энергиянинг етказиб берилишини тўхтатиш ва узуб қўйиш оқибатлари учун жавоб бермаслик хукукига эга:

- а) Энергия (Кувват) шартномавий микдордан кўп сарфланганида ёки Энергия (Кувват) истеъмолининг белгиланган режими бузилганда;
- б) электр таъминоти шартномасини тузмасдан Энергия истеъмол қилинганда;
- в) “Ўстандарт” агентлиги томонидан қиёслашдан ўtkазилган Энергияни ҳисобга олии приборлари бўлмаганда;
- г) Энергия (Кувват) учун шартномада белгиланган микдорда ва муддатда тўлоғ тўланмаганда;
- д) Корхона тармоқларига электр қабул қилгичлар ўзбошимчалик билан уланганда ёки Кувват шартномада белгиланган микдордан ошириб юборилганда;
- е) электр қабул қилгичлар ҳисобга олиш приборларидан ташкари уланганда ёки Энергияни ҳисобга олиш схемаси бузилганда, шу жумладан ҳисобга олиш приборларининг ва ўлчаш трансформаторларининг пломбалари бузилганда;
- ж) Корхона вакили ҳисобга олиш приборларини кўришга қўйилмаганда.

4.4 Электр манбаидан узуб қўйилиши техноген ва авария оқибатларига олиб келадиган ўта хавфли ва узлуксиз технологик жараёнли (махсус тартибда Энергия етказиб бериладиган корхоналар рўйхатига киритилганлар) саноат корхоналарида қарздорлик пайдо бўлган тақдирда ҳақ тўланмаганлиги учун Энергия етказиб беришни чеклаш, белгиланган тартибда, электр таъминотининг технологик ва авария бронигача, тўлиқ узуб қўйиш эса – факат суд қарорига кўра амалга оширилади.

4.5 Барча юқорида кўрсатиб ўтилган вазиятларда ягона электр энергетика тизими электр тармоқларига қайта улаш ва Энергия етказиб берилишини тиклаш ишлари Истеъмолчи томонидан шу билан боғлик харажатлар қопланганидан кейин навбат билан амалга оширилади.

V. ТАРАФЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 Истеъмолчининг хукуклари:

- а) Корхона томонидан шартномавий мажбуриятларнинг шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажарилишини талаб қилиш;
- б) Энергияни электр тармоқларининг бўлиниш чегарасига шартномада кўрсатилган микдорда етказиб беришни талаб қилиш;
- в) электр тармоқларининг баланс бўйича мансублик чегарасида Энергиянинг сифат кўрсаткичларини давлат стандартларида белгиланган даражада саклашни талаб қилиш;
- г) Корхонанинг электр тармоғи хўжалиги объектларини режали таъмирланиши туфайли Энергия билан таъминлашдаги мумкин бўлган узилишлар тўғрисида узуб қўйишгача камидан 3 сутка олдин огохлантиришни талаб қилиш;
- д) Энергиянинг тегишли микдори учун олдиндан тўлов амалга оширилган тақдирда Энергиянинг шартномавий микдорини ўзгартиришни талаб қилиш;
- е) Олдиндан ҳақ тўланганлигидан қатъий назар Энергиянинг шартномавий ҳажмини камайтириш томонига ўзгартиришни талаб қилиш.

Бундай талабномалар назарда тутилаётган ўзгартиришлардан (жорий ой тугашидан) 10 кундан кечикмай берилиши лозим.

5.2 Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) келгуси ҳисоб-китоб ойи учун Энергия (Кувват) ҳажмига шартномада белгиланган муддатда ҳақ тўлаш;
- в) Электр қурилмаларини зарур техник ҳолатини ва Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларини эксплуатация қилишда Хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя килиниши ҳамда Энергиядан оқилона фойдаланилишини таъминлаш;
- г) 7-иловага мувофиқ компенсация қурилмалари иш режимига (реактив энергия ва кувват истеъмоли) риоя килиш;
- д) энергетика тизимининг энг катта юкламали соатларида талаб этилган Кувватдан ошмаслик.

Истеъмолчи Корхонанинг талабига кўра қуидагиларни ҳисобга олиши ва хабар қилиши шарт:

- истеъмол қилинаётган Энергиянинг (Кувватнинг) суткалик, ойлик сарфлари ва ҳақиқий микдорини;
- ягона электр энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали даврида реактив энергиянинг (куватнинг) ҳамарини суткали сарфи;
- ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламасининг ўтиш даврида Энергиянинг (Кувватнинг) ҳар 30 дақикадаги сарфи.

5.3 Корхона қуидаги хуқуқларга эга:

- а) шартномада белгиланган тартибда ва керакли ҳажмда шартнома мажбуриятлари бажарилишини талаб қилиш;
- б) ҳисоб-китоб даврининг ҳар қайси кунига ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирув далолатномасини тузиш.

5.4 Корхонанинг мажбуриятлари:

- а) шартномавий мажбуриятларини шартномада белгиланган тартибда ва лозим даражада бажариш;
- б) Энергияни шартномада белгиланган ҳажмда электр тармокларининг баланс мансублиги чегарасигача узлуксиз етказиб бериш;
- в) Истеъмолчиларга Энергияни етказиб беришнинг тўхтатиб турилиши ва бунинг сабаблари тўғрисида маълум қилиш;
- г) жорий этиладиган чеклашлар ҳакида, чеклашнинг ҳажми ва вақтини кўрсатган ҳолда, ўз вақтида хабар қилиш;
- д) Истеъмолчиларнинг Энергия керакли микдорда етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар ҳакидаги аризаларини олинган кундан бошлаб ўн кундан кечиктирмасдан кўриб чикиш, уларни бартараф этиш ва батафсил жавоб юбориш;
- е) Истеъмолчининг белгиланган тартибда киритилган таклифларига мувофиқ 5 кун муддатда ойлик шартномавий микдорга ўзгартиришлар киритиш, Энергиянинг ойлик шартномавий микдорини кўпайтириш (камайтириш), имконияти бўлмаган тақдирда эса бу тўғрисида Истеъмолчига рад этишнинг сабабини кўрсатган ҳолда ёзма шаклда хабар қилиш.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА ФОРС-МАЖОР

6.1 Шартномани бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган ҳақиқий заарар айбдор тараф томонидан иккинчи тарафга тўланиши шарт.

6.2 Энергияни етказиб бериш муддатлари ўтказиб юборилса ёки Энергия шартнома микдорининг 5 фоизидан ортиқ микдорда етказиб берилмаса, Корхона ҳар бир муддати ўтказиб юборилган кун учун Истеъмолчига бажарилмаган мажбуриятлари суммасининг 0,1 фоизи микдорида пеня тўлайди, лекин пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган Энергия нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеня тўланиши Корхонани шартларини керакли ҳажмда бажаришдан ва етказиб бериш муддатининг узайтирилиши ёки Энергиянинг керакли ҳажмда етказиб берилмаслиги натижасида етказилган заарни қоплашдан озод этмайди.

6.3 Етказиб берилган Энергия учун ўз вақтида ҳақ тўламаса, Истеъмолчи Корхонага муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов суммасининг 0,1 фоизи (Энергия маҳсус тартибда етказиб берилувчи корхоналар учун 0,2 фоиз) микдорида пеня тўлайди. Бунда, пенянинг умумий суммаси муддати ўтказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня ҳисоб-китоб давридан кейинги ойнинг тугаганидан кейин бошлаб ҳисобланади.

6.4 Истеъмолчи ҳисобот даврида шартномада кўрсатилган микдорга нисбатан 5 фоиздан ортиқ Энергия истеъмол қилганда, ҳисоб-китоб даври учун шартномада кўрсатилгандан ортиқ истеъмол қилинган жами ҳажм учун белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида Корхона фойдасига жарима тўлайди (6.5-бандда кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно).

6.5 Ушбу шартномада белгиланган Энергиянинг тегишли ҳажми учун олдиндан тўловни амалга ошириш шарти билан Истеъмолчининг таклифи бўйича ҳисоб-китоб даври тугашидан 10 кун олдиндан кечиктирмасдан Энергиянинг шартномавий ҳажмларига киритилган ўзгартиришлар шартномада белгиланган ҳажмдан кўп истеъмолга кирмайди.

6.6 Корхона:

а) Истеъмолчи Энергия истеъмолининг белгиланган режимига риоя қилмай, Энергия истеъмоли ёки Кувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл кўйган, Корхонаси томонидан белгиланган Энергия истеъмолини чеклаш жадвалини бажармаган суткаларда паст сифатли Энергия етказиб берилганлиги учун;

б) захира манбаини автоматик улаш, автоматик қайта улаш ва автоматик давр-тезликли ўчиришларнинг ишлаш вақтида Энергияни етказиб беришдаги танаффуслар учун Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди.

6.7 Истеъмолчининг ягона электр энергетика тизимиning энг катта кучланишли соатларида амалдаги юкламаси шартномада назарда тутилган кўрсаткичдан 5 фоиздан ортиқ бўлган тақдирда, ҳисоб-китоб даврининг охирида амалдаги юкламанинг ортиқча бутун қисми учун қайта ҳисоб-китоб қилинади ва белгиланган тарифнинг 50 фоизи микдорида кўшимча ҳақ ундирилади.

Кўшимча Кувватга ҳақ тўланиши келгусида ҳар бир аниқ вазият учун Корхонадан тегишли рухсат олмасдан ушбу шартномада талаб этилганидан ортиқ Кувватдан фойдаланиш хукукини бермайди.

6.8 Тарафлар шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғоқчилик, сув тошкини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганигини исботласа, жавобгар бўлмайдилар.

VII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОЙДАЛАР

7.1 Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, тарафлар томонидан имзоланган кундан бошлаб кучга кирган ҳисобланади. (Бюджет ташкилотлари учун Газначилик бўлинмасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги 594-сонли қарорига мувофиқ, мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради)

7.2 Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

7.3 Шартнома бир йил муддатга тузилади. Шартномани амал қилиш муддати тугагач, тарафлардан бири уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳақида ариза бермаса, у шартномада назарда тутилган муддатга ва шартларда узайтирилган ҳисобланади. Бундай ариза шартнома амал қилиш муддатининг охирги ойи мобайнида тақдим қилиниши лозим.

Шартнома янги муддатга узайтирилганида унинг шартлари тарафлар келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин. (Бюджетдан маблаг олувчилар учун 2016 йил 22.декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига 2850-сон билан рўйхатга олинган “Давлат бюджетининг газна ижроси Коидалари”га асосан амал қилиш муддати “31” декабрь 2022 йилгача белгиланади).

7.4 Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга факат қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда йўл кўйилади.

7.5 Мазкур шартнома билан тартибга солинмаган масалалар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Электр энергетикаси тўғрисида”ти Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси

томонидан

2009

йил

22 августдаги 245-сонли карори билан тасдиқланган “Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари” ва бошка конун хужжатлари билан тартибга солинади.

7.6. Ушбу шартнома бўйича низолар келиб чиқсан тақдирда, тарафлар, қоидага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чора-тадбирлар кўрадилар.

Тарафлар ўртасида ўзаро ҳал қилинмаган низолар конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибida ҳал қилинади.

VIII. Томонларнинг юридик манзили ва банк реквизитлари.

«Корхона»

Коракул Электр тармоклари
корхонаси

Хисоб раками-22636000600487303323

Банк коди (МФО) 00086

СТИР (ИНН) 201188400

Телефонлар: 56-51-332
Оконх 11170

Рахбар

А.Хамроев



Юрист:

A. Xamroev

«Истельмолчи»

Коракул Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат
саломатлиги техникуми

(бюджетдан маблаг олувчининг номи)

Манзил: Коракул туман

Тел./факс _65-56-54-579

Коракул туман Газначилик булинмаси
Газ./x23402000300100001010

Банк номи: Тошкент шахар Марказий банк ББХКМ
МФО 00014 ИНН 201122919

Шғх 100010860062307092902054001
МФО 00014 ИНН 205220833



Рахбар

А.Хамроев

2022 йил «20» январдаги № 1 - сонли
Энергия таъминоти шартномасига
1-илова

ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИГАН ЭНЕРГИЯ КУВВАТИ ВА МИ҆ДОРИ

Тариф гурухи _____

	Электр куввати кВт	Электр энергияси миқдори		Шу жуладан тариф гурухлари бўйича			
		Минг кВт соат	Минг кВт соат				Ахоли
Йил, Жами		11110					
1-чорак							
Январ		4444					
Феврал		4444					
Март		2222					
		0					
2-чорак							
Апрел		0					
Май		0					
Июн		0					
		0					
3-чорак							
Июл		0					
Август		0					
Сентябр		0					
		0					
4-чорак							
Октябр		0					
Ноябр		0					
Декабр		0					

ИМЗОЛАР:

Корхона:

Рахбар: Хамроев А. А.Хамроев



М. Ў.

Истемолчи:

Рахбар Хамроев А. А.Хамроев



М. Ў.